



Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси.

ERURSEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN

# Хабар

44  
(789)-son

2-noyabr

www.xabar.uz  
xabar@uzpak.uz  
orif@infonet.uz

2007

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАСHTИРИШ АГЕНТЛИГИ НАШРИ 1992-йил мартдан чиқа бoshлаган

## ● Алоқа оламида: ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК! ●

Вилнюсда ўтган Infobalt ахборот технологиялари кўргазмасида маҳаллий Teltonika компанияси литваликларнинг биринчи мобил телефони намоиш этди.

Компания савдо гуруҳи раҳбари Гедрюс Сабунаснинг айтишича, Teltonika телефони (TEL202) йиғма маҳсулот эмас, балки шу ернинг ўзида мутахассислар томонидан ишлаб чиқилган ва бунинг учун тегишли патент олинган. Янги аппаратнинг бошқа телефонлардан фарқи — унга бир пайтнинг ўзида иккита операторнинг SIM-картасини ўрнатиш мумкинлигидир. Бундан ташқари, иккала SIM-карта учун ягона маълумотлар дафтари, рақам теришда ёки SMS жўнатишда операторни танлаш имконияти мавжуд бўлиб, MP3 ва MP4, 1,3 мегапикселли фотокамера ва Bluetooth 2.0 сингари қўшимча қулайликлар билан ҳам таъминланган.

23 ДЕКАБР —  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти сайлови куни



## БАХТЛИЛАРНИНГ БИРИМАН

Бахт... Тўрт ҳарфдан иборат бу сўз замида олам-олам маъно мўжассам. Лекин бахтни ҳар ким ҳар хил тушунади. Кимдир чексиз бойликка эришишни, кимдир чиройли машинага эга бўлишни орзу қилиб яшайди.


Мен эса дунё таниган олиму фузалолардан мерос бўлиб қолган жаннатмонанд Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан, не-не жўмард инсонлар жон фидо қилган азиз неъмат — Мустақиллик даврида яшаётганимдан, юртдаги тинчлик-осойишталикдан, ота-онам бағрида яшаб, тажрибали устозларимдан касб-хунар эгаллаётганимдан ўзимни гоёт бахтиёр деб биламан. Мен она Ватан равнақиға ҳисса қўиши ниятида астойдил ўқиб, билим олаётган ёшларнинг бири эканлигимдан хурсандман.

Коллежимизда ёшларнинг алоқа соҳаси сир-асрорларини пухта ўрганишлари учун барча шароитлар яратилган. Билимли устозларимиз, барча зарур замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган фан кабинетлари, бой китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази бизнинг хизматимизда.

Яқинда мен каби ўн саккиз ёшлилар ҳаётида яна бир қувончли воқеа юз беради. Биз Ўзбекистоннинг барча аҳолиси каби 23 декабр куни Президент сайловида иштирок этиб, ўз фуқаролик бурчимизни адо этамиз. Шу кунни ўйласам, ҳозирданок қалбимни ҳаяжон чулғамоқда.

Ишонаманки, гўзал юртимиз келгусида бундан-да равнақ топади, жаҳондаги энг ривожланган мамлакатлардан бирига айланади. Юрт ривожиди менинг ҳам ҳиссам бўлади, албатта.

Қахрамон РАСУЛОВ,  
Тошкент алоқа касб-хунар  
коллежи учинчи босқич талабаси



## ЯНГИ РУКН: ХИЗМАТ ТУРЛАРИ

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИШИНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ШУ АСОСДА АҲОЛИНИНГ БАНДЛИГИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШ АЛОҚА СОҲАСИ ХОДИМЛАРИНИНГ 2007 йилдаги УСТУВОР йўналишларидан ҲИСОБЛАНАДИ. МАЗКУР йўналишда жойларда соҳага хусусий тадбиркорликни жалб этиш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳолининг почта ва телекоммуникация хизматларига бўлган талаб ва эҳтиёжларини тўлароқ қондириш йўлидаги ибратли ишларни кенгроқ ёритиш мақсадида ГАЗЕТАМИЗДА “ЯНГИ ХИЗМАТ ТУРЛАРИ” номли янги РУКН ташкил этилди. БУГУН НАМАНГАН ВА БУХОРО ВИЛОЯТЛАРИДА АНА ШУ СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИШЛАР БИЛАН ГАЗЕТАМИЗНИНГ 3-САҲИФАСИДА ТАНИШАСИЗ.

3-БЕТ



ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ

UzNet

Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Sarkor Telecom

— юқори тезликдаги уй Интернети

## JUMADAN — JUMAGACHA

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 26 октябр кuni Оқсаройда Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактумни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, мавжуд имкониятларни тўла ишга солиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Бирлашган Араб Амирликлари вице-президенти, бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими Шайх Мухаммад бин Рошид Ол Мактумнинг мамлакатимизга расмий ташрифи доирасида 26 октябр кuni Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги Даромадларнинг икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймасликка ҳамда даромад ва капитал солиқларини тўлашдан бош тортишни бартараф қилиш, Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, икки мамлакат ташқи сийёсат мақамалари ўртасидаги протокол имзоланди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 29 октябр кuni Оқсаройда Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюковни қабул қилди.**

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги ҳарбий ҳамкорликка ҳамда минтақавий хавфсизликка оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

✓ **Мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Анатолий Сердюков 29 октябр кuni Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Руслан Мирзаев билан учрашди.**

Музокара якунида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги билан Россия Федерацияси Мудофаа вазирлиги ўртасида 2008 йилда икки томонлама ҳамкорлик режиси имзоланди.

✓ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов 31 октябр кuni Оқсаройда Осие тараққиёт банки президенти Харухико Куродаани қабул қилди. Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — Осие тараққиёт банки муносабатларига доир масалалар, қўшма лойиҳалар ижросининг бориши ва янгиларини ишлаб чиқиш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.**

✓ **Осие тараққиёт банки (ОТБ) 1996 йилдан буён Ўзбекистон иқтисодиётининг кўплаб соҳаларига сармоя киритиш орқали мамлакатимиздаги ислохотларни қўллаб-қувватлаб келмоқда.**

Осие тараққиёт банки президенти Харухико Куроданинг мамлакатимизга ташрифи доирасида 31 октябр кuni Ўзбекистон Республикаси билан ОТБ ўртасида яна бир ҳужжат — “Давлат молиеси бошқарувини ислох қилиш” лойиҳаси бўйича кредит битими имзоланди.

✓ **Матбуотда “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони эълон қилинди.**

✓ **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатасида “Мустақиллик йилларидаги иқтисодий ислохотларнинг қонунчилик асослари: таҳлил, баҳо ва хулосалар” мавзусида конференция бўлиб ўтди.**

Конференцияда солиқ ва бюджет сийёсатининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнларини кучайтириш, хусусий мулкнинг ролини ошириш, рақобат муҳитини яратиш, банк-молия соҳасини янада ислох қилиш, шунингдек, ривожланган бозор инфратузилмасини яратиш билан боғлиқ устувор йўналишлар муҳокама қилинди.

✓ **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитасининг Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимида Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ижросига бағишланган йиғилиши ўтказилди.**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, бошқарма ва ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашдилар.

✓ **Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ва эндокринология илмий-текшириш институти ҳамкорлигида қандли диабет хасталигининг олдини олишга бағишланган олийк эълон қилинди. Жорий йилнинг 20 ноябрга қадар давом этадиган маъруз тадбир 14 ноябр — Халқаро диабет кuni муносабати билан ташкил этилган.**

## HAMKORLIK UFQLARI

**Мамлакатимизда Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 12 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш доирасида иқтисодиётнинг турли жабҳалари, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида трансмилий корпорациялар билан ҳамкорликни янада кучайтириш борасида изчил иш олиб борилмоқда.**

## Ўзаро фойдали учрашув



29 октябр кuni Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори А.Арипов “Корея Телеком” корпорацияси президенти Нам Жунг-Су билан учрашди.

Учрашув чоғида томонлар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янги йўналишлар бўйича икки томонлама ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама этдилар.

Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити, кенг қўламли ҳуқуқли кафолатлар ва имтиёзлар тизими

яратилгани туфайли “Корея Телеком” ва “Сумитомо Корпорэйшн” (Япония) трансмилий корпорациялари биргаликда «East Telecom» қўшма корхонаси акцияларининг 85 фоизини сотиб олмоқда. Корхона-

**Учрашувда томонлар “East Telecom” тармоқларини катта имкониятларга эга симсиз WiMAX технологияси базасида янада ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.**

нинг 15 фоиз акциялари “Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига тегишлидир.

“East Telecom” қўшма корхонаси Ўзбекистонда келгуси авлод тармоқлари (NGN) технологиялари ва ечимлари бўйича хизмат кўрсатадиган биринчи алоқа оператори ҳисобла-

нади. Қўшма корхона фаолиятининг асосий йўналишлари замонавий телекоммуникациялар хизматлари, шу жумладан, рақамли телефония, интеллектуал алоқа тармоқ хизматлари кўрсатиш, шунингдек, маълумотлар узатиш, рақамли алоқа каналларини ижарага бериш, виртуал хусусий тармоқлар ва Интернетдан тезкор фойдаланишни ташкил этишдан иборат.

1982 йилда тузилган ва йиллик маблаг айланмаси 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этадиган “Корея Телеком” корпорацияси бугунги кунда Осиёдаги энг йирик алоқа операторларидан биридир. Жанубий Кореяда маҳаллий, шаҳарлараро ва халқаро алоқа, шунингдек, маълумотлар узатиш хизматларини тақдим этадиган энг йирик ҳамда технологик жиҳатдан яхши таъминланган телекоммуникация тармоғи ҳам ушбу корпорацияга қарашлидир.

“Сумитомо Корпорэйшн” корпорацияси эса Япониянинг энг қадимий савдо-саноат тузилмаларидан бири — у 1919 йилда ташкил этилган. Корпорация иқтисодиётнинг кўпгина тармоқларида, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ҳам фаолият юритади. “Сумитомо Корпорэйшн”нинг йиллик маблаг айланмаси 22 миллиард АҚШ долларидан зиёддир.

Шунингдек, учрашувда томонлар “East Telecom” тармоқларини катта имкониятларга эга симсиз WiMAX технологияси базасида янада ривожлантириш масалаларини ҳам муҳокама этдилар.

Бугун Ўзбекистонда телекоммуникация ва ахборот технологиялари соҳасида “Мобил ТелеТизимлар”, “Вымпелком”, “Голден Телеком”, “Huawei Technologies”, “Telia Sonera” каби трансмилий компаниялар фаолият кўрсатмоқда.



## Бутунжаҳон радиоконференцияси

**Шу йилнинг 21 октябридан 1 ноябрга қадар Женевада ўтказилган Бутунжаҳон радиоконференцияси — БРК-07 ишида Ўзбекистон делегацияси ҳам иштирок этди.**

Радиоконференцияда бошқарув кўмитаси, шунингдек, ваколат назорати, бюджет, кун тартиби бандларини, келгуси иш дастури ва тартибини кўриб чиқиш ҳамда таҳрир бўйича кўмиталар тузилди.

Кун тартибидидаги техник масалаларнинг асосий қисми кун тартиби бандларини ҳамда келгуси иш дастури ва тартибини кўриб чиқиш кўмиталари томонидан муҳокама қилинди. Ҳар бир кўмидада учтадан ишчи гуруҳи тузилиб, уларда аниқ масалалар кўрибди.

Ўзбекистон делегацияси 11 кун давомида

конференциянинг умумий мажлисларида, бюджет, кун тартиби бандларини, келгуси иш дастури ва тартибини кўриб чиқиш кўмиталари ҳамда уларнинг ишчи гуруҳлари йиғилишларида қатнашди.

Шу вақт ичида мамлакатимиз делегацияси томонидан Ўзбекистон Республикасининг битта тақлифи тақдим этилди. Шунингдек, Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдўстлик аъзо-давлатлари томонидан мувофиқлаштирилган масалалар бўйича иккита тақлиф берилди.

● YANGI XIZMAT TURLARI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Ўзбектелеком» АКнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари асосида телекоммуникация тармоқлари орқали қишлоқ жойларида хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида туман электрон АТСларидан иккитадан алоқа линияси ажратилиб, провайдерлик хизмати йўлга қўйилди. Натيجида кўплаб қишлоқлар аҳолиси туман марказларидаги рақамли телефон станциялари хизматларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Бугунга келиб, Наманган вилоятида телекоммуникация соҳасидаги 284 провайдердан 119таси қишлоқ аҳолисига телекоммуникация хизматларини кўрсатмоқда. Булардаги жами 374та янги иш ўринларидан 119таси қишлоқ жойларида ташкил этилган.

Ушбу телекоммуникация хизматлари билан яқинроқ танишиш мақсадида Уйчи тумани Бирлашган қишлоғида хусусий тадбиркор Шохида Йўлдошева билан учрашди. Шохида опанинг асли касби



## Излаганга имкон кенг

ўқитувчи, тўрт нафар фарзанднинг онаси. Нафақага чиққанидан сўнг — 2007 йил май ойидан тадбиркорлик фаолияти билан шугулланишни бошлаган. Уйчи тумани Марказий ЭАТСнинг иккита телефонидан фойдаланган ҳолда телекоммуникация хизмати кўрсатиш шаҳобчасини очган. Бу масканинг очилгани 8 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Бирлашган қишлоғи учун айти мудао бўлди. Ҳозирда қишлоқ аҳолиси маҳаллий, шаҳарларо ва халқаро телефон алоқаси, шунингдек, интернет хизматларидан кўнгилдагидек баҳраманд бўлмоқда. Шохида опага бу ишларни бажаришда турмуш ўртоғи Рустамжон ака, қизи Холидохон яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ижтимоий ҳимоя йилида қишлоқдаги ўзгалар ёрдамига муҳтож кексаларга меҳр-мурувват ёрдами сифатида телекоммуникация хизматларидан фойдаланишда 10 фо-

изли имтиёз қўлланилмоқдаки, бунда Шохида опадек саховатли инсонларнинг хизмати катта бўляпти.

Ушбу маскан хизматларидан фойдаланувчилар сони ортиб бориши натижасида даромад ойдан-ойга кўпаймоқда. Биргина сентябр ойида 1076,5 минг сўмлик хизмат кўрсатилди.

Вилоят қишлоқларида салмоқли кўрсаткичларга эришаватган провайдерлар сони талайгина. Наманган тумани Хонобод қишлоғидаги О.Ақбарова, Уйчи тумани Машад қишлоғидаги Н.Юнусов, Жўжа қишлоғидаги З.Илмиёминов, Учқўрғон тумани Кўғай қишлоғидаги З.Тожиаҳмедова ва К.Исақовлар, Яшиқ қишлоғидаги Х.Сайдуллаев, Норин тумани Тошқин қишлоғидаги З.Дехқоновлар шулар жумласидандир.

**Шухрат ПАРПИЕВ,**  
«Хабар»нинг Наманган вилоятидаги мухбири

## Қишлоқларда замонавий АТСлар

Бухоро вилоятининг Вобект туманидаги Кўнғирот қишлоқ фуқаролар йиғини аҳолиси ер юзининг исталган нуқтаси билан тўғридан-тўғри боғланиш имконига эга бўлди.

Бу ерда хорижда ишлаб чиқарилган «DTS-1100А» рақамли АТСи ишга туширилди. У оптик-толали алоқа кабелни тармоғига уланган бўлиб, юзлаб мижозларга юқори сифатли хизмат кўрсатади.

Жорий йилда вилоятдаги 25 қишлоқда ана шундай замонавий АТСни фойдаланишга топшириш режалаштирилган эди. Айти пайтда бу борадаги ишлар якунига етмоқда. Бундан ташқари яна 13 қишлоқда «SGM» русумли алоқа воситалари билан жиҳозланган телефон станцияси қуриляпти. Халқаро андозаларга тўлиқ жавоб берадиган ушбу замонавий техника мамлакатимизда ишлаб чиқарилгани эътиборга моликдир. Унинг афзаллигига биринчилардан бўлиб Бухоро ва Когон туманларида яшовчи мижозлар ишонч ҳосил қилишди. Улар кўнғиротни бошқа телефонга йўналтириш, «будилник», «парол» каби ўндан зиёд қўшимча хизмат турларидан фойдаланиши мумкин.

— Қишлоқ инфратузилмаси ҳамда хизмат кўрсатиш тармоғини ривожлантириш ва аҳолининг замонавий коммуникация воситаларига эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратаямиз, — дейди «Бухоро Телеком» филиали директори Шариф Худойбердиев. — Шу пайтга қадар ўнлаб қишлоқлардаги алоқа техникалари алмаштирилиб, умумий узунлиги 110 километрлик оптик-толали кабеллар тортилди. Ҳозирда вилоят қишлоқларидаги АТСларнинг 50 фоизи янгидан қурилган. Бу иш 2010 йилда тўлиқ ниятга етказилади.

## 2007-ҲИЛ – ИҶТИМОИЙ НИМОҲА ҲИЛИ

«Ўзбектелеком» АК «Тошкент телеграф-телефон станцияси» филиалида ҳар йили юртимизнинг тарихий шахарлари бўйлаб саёҳат уюштириш анъанага айланиб қолган. Чунки, ота-боболаримиздан мерос тарихий обида ва меъморий мажмуаларни зиёрат қилиш орқали ўз миллий-гимизини, урф-одатларимизни, диний қадриятларимизни асраб-авайлашга эришилиши табиий.



Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Маънавий қадриятлар-сиз асрлар давомида шаклланган имон-этиқодидан маҳрум бўлган халқ ўсмайди, тараққий этмайди. Юртдошларимиз ўзларини Ватанимизда амалга оширилаётган хайрли ишларнинг қузатувчилари эмас, балки ташаббускори ва иштирокчилари сифатида ҳис этишлари муҳим». Шуларни инобатга олган ҳолда, филиалимиз раҳбари ташаббуси билан бир гурӯҳ фахрийлар 19-21 октябр кунлари корхона касаб-уошмаси ҳисобидан Бухоро шарифга зиёратта бордилар. Дастлаб Бухоронинг тарихий жойлари бўлмиш 1620 йили қурилган Лабиҳовуз мажмуасини, сўнгра Баҳоуддин Нақшбанд мажмуасини зиёрат қилдилар. Бундан ташқари, Исмоил Сомоний макбараси, Минораи Калон, Кўкалдош мадрасасини бориб кўрдилар. Айтиқса, 1417 йили Мирзо Улугбек қурдирган Улугбек, Абдулазизон мадрасалари, Бухоронинг шимоли-шарқий қисмида қурилган Чорминор архитектура мажмуаси сингари ёдгорликлар фахрийларимизда катта таассурот қолдирди.

— Бухоро шахрига биринчи келишим, — деди фахрий Ҳамидулла ака Камолов.

## Зиёрат

— Қаранг-а, орадан шунча аср ўтибдики, бу тарихий обидалар, масжиду мадрасалар, савдо ва ҳунармандлар дўконлари дунё аҳлини қизиқтириб келяпти. — Уш тарихини билмаганнинг келажиги йўқ, дейдилар. Бухоронинг бугунги кунини кўриб қувончим чексиз бўлди. — суҳбатта қўшилди Мирсой ака Расулов.

— Фахрийларимиз бизнинг фахримиз, — дейди филиал раҳбари А.Ғазиев. — Биз уларга қанча гамхўрлик, иззат-ҳурмат кўрсатсак, шунча кам. Улар учун корхонамиз эшиклари доимо очик. Уз навбатда, филиал фахрийлар кенгаши раиси У.Сағатов барча зиёратчилар номидан Ижтимоий ҳимоя йилида амалга оширилган бундай қизқаргли ва унутилмас тадбир учун корхона раҳбарлари ва ташкилотчиларга миннатдорчилик билдирди.

**Маҳмуда АРИПОВА,**  
«ТошТТС» филиали маънавий-маърифий ишлар бўйича масъул ходими

Ҳаётда савобли ишлар кўп. Улар ичида энг савоблироғи ўзгалар ёрдамига, меҳру-мурувватига муҳтож инсонлар ҳождатини чиқармоқлик бўлса, ажаб эмас.

## 67 хонадонга бепул телефон

Тошкент вилоятида тўрт минг нафарга яқин ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғиз яшовчи фуқаролар истиқомат қилишди. Уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, турли эҳтиёжларини қондириш туманлар ижтимоий таъминот бўлимлари ходимлари зиммасига юклатилган. — Яқка-ёлғизларимизнинг ҳаммаси «Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастури»га мувофиқ тўлиқ диспансер кўригидан ўтказилди, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Шохида Мирзақаримова. — Даволанишга муҳтож деб топилган 2682 нафар ёлғизлардан 1292 нафари уйда ва 406 нафари стационар ва амбулатория шароитида даволанишди. Ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг яшаш шароитлари ўрганиб чиқилганда 137 нафар ёлғиз пенсионернинг уйи таъмирталаб эканлиги аниқланди. Шу пайтга қадар улардан 85 нафарининг уйи таъмирдан чиқарилиб, шу иш учун 13232,0 минг сўм ҳимийлар маблағи сарфланди.

Дарҳақиқат, вилоятда ёлғизларни ижтимоий муҳофаза қилишга жиддий эътибор қаратилляпти. Улар ўзларига керакли протез буюмларини Тошкент туманида ташкил этилган ижара масканидан олишмоқда. Шунингдек, 574 нафар ёлғизга тегишли бўлган томорқа ерларига фермер хўжаликлари вакиллари, ижтимоий ходимлар ва ҳомийлар томонидан ишлов берилиб, полиз ва саб-

завот маҳсулотлари етиштирилди. Ҳозирги пайтга қадар бу каби ишлардан ёлғиз фуқаролар жами 9283, 1 минг сўм даромад олишди. Қиш учун кўплаб микдорда мева, сабзавот маҳсулотлари консерваланди. Тажриба тариқасида бошланган бу ишлар республикамиз бўйлаб кенг қамров олиши табиий.

Вилоятда саховатли инсонлар кўпчиликини ташкил этади. Биргина Олмалик кон-металлургия комбинати томонидан Оҳангарондаги «Саховат» уйда 500 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилганлиги, «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент Телеком» филиали томонидан 67 нафар яқка-ёлғизнинг уйларига бепул телефон ўрнатиб берилганлиги ва бу мақсад учун 1 млн. 716 минг сўм маблағ сарфланганлиги фикримизнинг далилидир.

Саховатла олам мунаввар, дейишди доноларимиз. Ҳақиқатан ҳам саховатли инсонлар бор экан, ўқсик кўнгиллар ором топаверади.

**Муборак МИРКАМОЛОВА**

## XALQARO HAYOT

## НЕФТ НАРХИ ОШИБ БОРМОҚДА



Дунё бозориди "қора олтин" нархининг кескин даражада кўтарилиши давом этмоқда.

Ню-Йорк товар биржасида бир баррел нефт 90,41 долларга баҳоланган. Мазкур биржада электрон савдолар яқунлангандан сўнг нефтнинг баҳоси 91,1 долларга чиқди. Халқаро экспертлар бошқа омилар қатори доллар курсининг пасайиши ҳам ёнилги нархларининг ошиб кетишига сабаб бўлаётганини айтишмоқда.

## НАМОЙИШЧИЛАР ИРОҚ УРУШИГА ҚАРШИ

АҚШнинг Сан-Франциско шаҳрида кўп минг кишилик норозилик намойишлари бўлиб ўтди.


Намойишчилар Ироқда олиб борилаётган ҳарбий амалиётларнинг тўхтатилишини талаб қилишмоқда. Улар кўтариб олган плакатларда мамлакат маъмурияти кескин танқид остига олинган. Намойиш ташкилотчиларининг билдиришича, митингга 30 мингга яқин одам қатнашган.

## БОЛАЛАР "САВДОГАРЛАРИ" УШЛАНДИ

Чадда болалар савдосини амалга оширганликда гумон қилинган тўққиз нафар Франция фуқароси кўлга олинди.

Маҳаллий полиция маълумотида кўра, гумондорлар Чад ва Судандан 103 нафар болани ўғирлашган. Болаларнинг аксарияти 4-5 ёшда эканлиги аниқланган. Чад ҳукумати вакилининг айтишича, гумондорларнинг барчаси ҳозир қамоқда сақланмоқда ва улар устидан тергов жарағини бошланган. Дипломатик манбалардан олинган маълумотларга қараганда, 300га яқин оила африкалик қаровис болаларга ота-оналик қилиш учун мазкур гуруҳга 2,8 мингдан 6 минг еврогача миқдорда ҳақ тўлашган.

Франция ташқи ишлар вазирлигида янги пайтда Чадда ушлаб турилган франциялик фуқароларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари муҳокама қилинмоқда.




## АМЕРИКА ТАЛАБИ РАД ЭТИЛДИ

АҚШнинг Афғонистонда НАТО ҳарбий кучлари сонини кўпайтириш тўғрисидаги сўрови рад этилди.

Голландиянинг Нордвейк шаҳрида бўлиб ўтган альянсга аъзо давлатлар мудофаа вазирлари учрашувида ушбу масала муҳокама этилди. Германия мудофаа вазири Йозеф Йозеф Юнг Афғонистонга қўшимча контингент жўнатишга қаттиқ қаршилик билдирди ва НАТОнинг мақсади мазкур мамлакатни қайта тиклашга қаратилганини билдирди. Унинг фикрини Франция, Италия, Испания вакиллари ҳам қўллаб-қувватлади. Ҳозирда Афғонистонда НАТОнинг 41 минг аскари бор.

## ХИТОЙ МАҲСУЛОТЛАРИ ДУНЁНИ ЭГАЛЛАМОҚДА



Хитой дунёда энг йирик экспорт қилувчи давлат сифатида Германияни ҳам ортда қолдирди.

"The Daily Telegraph" газетасининг ёзишича, биргина август ойида ушбу мамлакатдан 111 миллиард долларлик маҳсулот ҳақон бозорларига чиқарилган. Бу ўтган йилдагидан 55 фоиз кўп демакдир. 2006 йилда Германия жами 893,6 миллиард евро миқдоридидаги маҳсулот экспорт қилган. Ўтган йили бу масалада

АҚШ 825 миллиард доллар, Хитой эса 770 миллиард долларлик натижага эришган эди.

Бутунжаҳон савдо ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, бу борада Хитой АҚШни жорий йилнинг бошларида ортда қолдирган. Бугунги кунда дунё экспортнинг 8 фоизи Хитой ҳиссасига тўғри келяпти. Бу мамлакатнинг экспорт салоҳияти ошиб бораётгани Европанинг кўплаб мамлакатларига катта зарар келтирмоқда. Таҳлилларга қараганда, ЕИ-Хитой ўртасидаги узаро савдо тақчиллиги 220 миллиард долларни ташкил қилиши мумкин.

## РОҲИБАЛАРМИ ЁКИ РАҚИБАЛАР?..

Италия жанубида жойлашган Кларис аёллар ибодатхонасида юзага келган роҳибалар можароси ушбу даргоҳнинг ёпилишига сабаб бўлди.

Ибодатхонада бор-йўғи уч аёл – роҳиба она ва унинг икки шогирди истиқомат қилишар эди. Роҳибанинг юзлари тимдаланган ҳолда шифонага ётқизилгани аёллар ўртасидаги "илиқ" муносабатдан дарак бериб турарди. Жанжалга маҳаллий архиепископ Жованни Баттисте Пичерри араллашишга тўғри келди. У учала аёлни муросага келтиришга уриниб кўрди, ammo бунга эриша олмади. Натихада у ибодатхонани ёпиши сўраб Ватиканга мурожаат қилди.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

## MULOHAZA UCHUN MAVZU

**Эрталаб хизматга бораётиб, истеъфодаги полковник Турсунбек ака Раҳмонов билан тасодифан учрашиб қолдим. Кайфияти йўқроқ кўринди. Салом-алиқдан сўнг сабабини сўрадим. — Қарши шахрига борган эдим. Уйга кўнғироқ қилсам, автоматик равишда «Шартнома шартлари бажарилмаганлиги учун ўчирилган» деган жавоб олдим.**

Очиги ўзимни қаерга қўйишни билмадим. Сабаби шундаки, сафарга чиқиш арафасида телефон хизмати ҳақини олдиндан икки ойга тўлаб қўйгандим.

Иложсиз қолиб, мобил телефоним орқали Янгиер шаҳрида яшаётган ўғлимга кўнғироқ қилдим ва сабабини сўраб билгин, дедим. Сўраса, уч минг сўмдан ортиқ қарзингиз бор, дейишибди.

Орадан уч кун ўтиб, Қаршидан уйга кайтиб, шахар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Тохир Дадабоевга мурожаат қилсам, аризангизни «Сирдарё Телеком»га юборамиз, ҳаммасини улар ҳал этиб беришади, деди.

## Чалкашлик бартараф бўлди, аммо...

Аризани ўқиб, яна қуйидагилардан ҳам воқиф бўлдим:

истеъфодаги полковникнинг уй телефонида тегишли варақада бир йўла 761 дақиқа гаплашилгани кўрсатиб қўйилгани бизда шубҳа уйғотди. Аниқроқ қилиб айтганда, соат 9.30, 10.45 ва 11.30да кетма-кет кўнғироқлар қилинганлиги аниқланди. Мазкур кўнғироқларнинг 10.45дагисига эса 761 дақиқа қўйилган эди. Мулақо

нотўғрилиги кўра ҳассасдек кўриниб турибди. Нимага десангиз, ҳалиги 761 дақиқа 9.30 билан 11.30 гача ўтган оралиқдаги вақтга сиғмайди, аксинча, атиги 120 дақиқани ташкил қилади, холос.

Янгиер шахар телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи Тохир Дадабоев билан боғландим. Ҳозиржавоб раҳбар дарҳол муаммони бартараф этишга киришди. Маълум бўлишича, аслида боғлама мижоз Турсунбек Раҳмоновдан 4622 сўм миқдоридида қарздор экан.

"Сирдарё Телеком" филиали директори Анвар Ағалиев ходимлар иштирокида умумий йиғилиш ўтказди ва ушбу масала атрофлича муҳокама қилинди.

Қандай чора кўрилди, деган савол туғилиши табиий. Жавоб эса битта бўлди: Янгиер шахар телекоммуникациялар боғламаси АТС тизимидаги техник носозлик сабабли нотўғри ҳисобланган 761 дақиқалик чиқиш сўзлашуви ҳақи телефон эгаси Раҳмонов ҳисобидан чегириб ташланди. Филиалнинг шу йил 21 сентябрдаги ХБ-93-сонли буйруғи билан шахар телекоммуникациялар боғламасининг мижозлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Х.Эргашевага ҳайфсан эълон қилинди. Ходимлар бўлими назоратчиси Р.Мухитдинова эса

саласи олдимизга шунга боғлиқ айрим муаммоларга қўйяпти, яъни айрим жойларда замонавий телекоммуникациянинг ётуқ мутахассислари, айниқса, уларнинг малакаси етарли бўлмай қоляпти.

Учинчидан, уй ва хизмат телефон алоқасига кучли рақобатчи — қўла олиб юриладиган мобил, бошқача айтганда, чўнтак телефонларнинг кўндалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олаётгани ва аввалги телефон алоқаси тизимини маълум даражада кўндалик эҳтиёж доирасидан сиқиб чиқараётгани ҳам ҳаётий ва инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатга айланди.

Телефонлар оламида вужудга келган ҳозирги рақобат бозори шароитида нима қилиш керак? Биринчи навбатда, ҳалоллик муҳим аҳамият касб этади. Мижоз Т.Раҳмонов ўз аризасида ёзишича, "...алоқа хизматида ўтирган абонент бўлими ходимлари мижозларнинг телефон ҳақини хоҳласа кўтаради, хоҳласа пасайтиради".

Фуқаро Акрам Ражабов гапига қараганда эса, бу даъво ҳаққоний бўлиб чиқади. Масалан, амалдаги йилнинг июл ойи учун унга 35 минг сўм ёзилган. Ҳаттоки, ҳисоб варағида Россия билан боғланган телефон рақами ҳам кўрсатиб қўйилган. Ваҳоланки, унинг Россияда гаплашадиган ҳеч кими йўқ ва бу мамлакат билан мулқалоқ боғланмаганлиги аниқланди. Мижоз А.Ражабов алоқа бўлимига арз қилиб борса, абонент хизмати ходими «Ҳозир тўғрилаб берамиз, фақат илтимос, ҳеч кимга айтиб юрманг», дебди.

Азимбек ДЎСТАМАТОВ  
Сирдарё вилояти

**Х**аётда ҳар қандай қийинчилик ва муаммони фақат ҳалоллик ҳенгади. Ҳалоллик бор жойда муваффақият ҳам, албатта, бўлади. Замонавий технологиялардан унумли фойдаланиш телекоммуникация соҳаси боғламалари ходимларидан катта масъулият билан ишлашни, мижозларни ўз хизматларидан рози қилишни, уларнинг обрў-эътиборини қозонишни тақозо этади. Ҳозирги рақобат қонуни фақат шундай эканлигини унутмайлик. Шундай эмасми, азиз газетхонлар?

MUSTAQILLIK ODIMLARI

# ИСТИҚДОЛНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Узоқ манзилни кўзлаб йўлга чиққан киши ортига қараб, босиб ўтган йўлига назар ташлаб кўяди. Ўтган 16 йил давомида юртимизда амалга оширилган, дунё ҳамжамияти эътироф этган ишларнинг барчасини санаб ўтишнинг имконияти йўқ, албатта. Бироқ қалбимизни фахрга тўлдирган, ҳар қанча гурурлансак арзийдиган ишлардан айримларини кўрсатиб ўтиш ўринли.

Айнан мустақиллик йилларида барча соҳалар сингари мамлакатимизда алоқа соҳаси ҳам ривожланиш йўлига қадам қўйди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 июлдаги «Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига асосан 2010 йилгача бўлган муддатда телекоммуникация тармоқларини тараққий эттириш, маълумотларни узатиш ва ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш учун нафақат Кашкадарё вилоятида, балки Шахрисабз туманида ҳам хизмат кўрсатиш такомиллашиб борапти.

Туманимиз алоқачилари учун ўтган 16 йил сермахсул ва изланишлар йили бўлди. Вилоятимиздаги алоқа корхоналарида Германия, Словения ва бошқа давлатларда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар жорий қилинди. АТСлар фаолияти янада такомиллашиб, хизмат кўрсатишнинг янги қирралари очилмоқда. Телефон тармоғини рақам-

лаштириш, биллинг тизимини такомиллаштириш, аналог станцияларнинг рақамли станцияларга ўтказилиши давр талаби эканлиги билан бирга, истиқлол йилларида соҳадаги ислохотларнинг натижасидир.

Бундан кейин ҳам илғор технологиялар жорий этилиб, соҳа замонавийлашиб, миқозларга кўрсатиладиган алоқа хизмати такомиллашиб боравериши, шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги муносабати билан алоқа соҳасидаги кўп йиллик самарали меҳнатим учун Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг «Моҳир алоқачи» фахрий унвони билан тақдирландим. Бу ишонч mening зиммамга янада катта масъулият юклади.

Мустақиллик — олий нёмат. Ундан баҳра олар экансиз, бизнинг меҳнатимиздан, хизматимиздан бошқалар ҳам баҳраманд бўлишлари лозим, албатта.

**Иброҳим БУРХОНОВ,**  
Шахрисабз телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи

Шикоят

Шон-шавкат юксак мақсад сари интилганнинг мулкидир.

Бундан уч йил муқаддам Ҳазорасп туманидаги Карвак қишлоқ телефон станцияси, шунингдек, уйдаги телефоним яхши ишламаётгани ҳақида туман ҳокимига, прокурори ҳамда «Хоразм Телеком» филиалига мурожаат қилгандим.

Шикоят хатимда «Қани, телефоним тўлиқ ишласа-ю, сизга миннатдорчилик хати йўлласам» деган жумла бор эди. Шу кунларни интизорлик билан кутдик. Қишлоғимизга айни пайтдаги каби 112 эмас, балки 400-500 рақамли янги алоқа станцияси ўрнатилар, деб ўйлардик. Лекин барибир, АТС янгилангач, алоқа яхшиланди.

## Қувончимиз чексиз

Танқид келажакнинг меваси, дейишди. Мен шикоятим ижобий ҳал этилгани учун сизларга миннатдорчилик билдирмоқчиман. «Хоразм Телеком» филиали директори Ортиқ Оллаберганов, ўринбосари Аҳмаджон Самандаров, бош муҳандис Абдураим Абдурахмонов, муҳандис Каримбой Ҳамроев, Ҳазорасп телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Ислоҳ Абдуллаев, муҳандислар Отабек Самандаров, Қувондиқ Матёқубов, электромонтер Равшан Мадраимовларнинг меҳнатлари яхши самара бериб, чексиз қувончга эга бўлдик.

Карвак аҳлини сифатли алоқа билан таъминлаганингиз учун ўзим, оилам ҳамда қўшнилар номидан миннатдорчилик билдирган ҳолда сизларга мустаҳкам соғлик, оилавий қувонч ва улкан зафарлар тиламан.

**Каримбой САИДАМЕТОВ,**  
Ҳазорасп тумани «Карвак» қишлоғи

## БИЛИМ БИЛАН БУЮКЛИККА

Хозирги давр ахборот технологиялари асри бўлиб, илм-фан, техника тараққиёти, янгидан-янги техникалар, компютер техник ва дастурий таъминоти юксалиб, такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунга келиб кутубхоналар ўрнини ахборот-ресурс марказлари эгалламоқда. Керакли маълумотларни интернет тармоғи орқали олиш имконияти мавжуд. Фанлардан электрон дарсликлар яратилмоқда, яъни ўрганувчи тўғридан-тўғри компютер ёрдамида фанини ўзлаштириши мумкин. Электрон дарсликнинг ўзига хос қулайликлари бор. Унинг асосий имкониятларидан бири тезкор кидирув бўлиб, калити сўз орқали қисқа вақт ичида катта маълумотлар базасидан керакли бўлимни осонгина топиш мумкин. Бизнинг олий мақсадимиз ҳам илм-фан тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшиш ва илмга чанқоқ ўқувчи учун барча қулайликларни яратган ҳолда маълум бир танланган фанлардан электрон дарслик яратиш.

Дискрет математика бу фаннинг долзарб йўналишларидан биридир. Биз дискрет математиканинг «Комбинаторик ҳисоб» бўлими асосида электрон дарслик яратишни вазифа қилиб олдик. Бу бўлим баъзи ҳаётий-иктисодий масалаларни таҳлил қилиш, оптимал ечимини топиш ва ечиш кабиларни ўз ичига олади. «Комбинаторика асослари» электрон дарслиги бу бўлимни ўрганиш, ўзлаштириш самарадорлигини оширади ва айниқса «Информатика ва ахборот технологиялари» йўналиши мутахассисларига яхши қулайлик туғдириши мумкин.

Бу электрон дарслик Delphi дастурлаш тилида тузилган бўлиб, фойдаланувчи учун интерфейс имкониятларининг қулайлиги, маъруза матнининг мукамаллиги ва масалаларнинг турлилиги ва ечиш алгоритмларининг содда ва тўлиқ берилишига катта эътибор қаратилди. Электрон дарсликда масалаларнинг моҳияти шундан иборатки, фойдаланувчини зериктириб қўймаслик учун ҳаётий масалалар олинган. Масалан, кўпчилик учун қизиқарли бўлган 36/6 спортлотто ўйинининг комбинациялари сони нечталигини ҳисоблаш масалалари шу дастурда келтирилган.

Бизнинг билимимиз қанчалик юқори бўлса, ҳаётни билиш, ўрганиш ҳам шунчалик юксак бўлади. Буюк бобоқалонимиз Ибн Сино шундай дейди: «Ақл тарозисида тортиб кўрилмаган ҳар қандай билим асоссиздир». Ҳулоса қилиб айтиш мумкинки, буюкликка фақат билимимиз орқали эриша оламиз.

**Ҳамдам ЎРИНОВ,**  
ТАТУ Урганч филиали талабаси

TADBIR

«Билайн» юртимиз аҳолиси ҳаётига тобора сингиб бораётган уяли алоқа операторларидан бири. Компаниянинг бугунги кунда 15 мамлакатда фаолият юритаётганлиги, Ўзбекистоннинг барча вилоятлари марказларида филиаллари очилганлиги, ҳар бир шаҳар ва шаҳарчада шахобчалари фаолият кўрсатаётганлиги ва ўтган бир йил ичида бундай масканлар сони 16 бараварга ошганлиги «Билайн»нинг қай даражада ривож топаётганлигидан далолатдир.

# Муваффақиятлар йили



Пойтахтимиздаги «Дедеман» меҳмонхонасида «Билайн»нинг мамлакатимизда фаолият бошлаганига бир йил тўлиши муносабати билан ўтказилган матбуот анжуманида «Юнител» МЧЖ бош директори Евгений Рубан ҳамда тижорий ишлар бўйича директори Евгений Скрипниклар ўтган давр мобайнида компаниянинг қўлга киритган ютуқлари ва айрим муаммолар ҳақида маълумот беришди.

— Айни пайтда Ўзбекистондаги барча аҳоли яшаш масканларида дилерларимиз фаолият юритишмоқда, — деди сўзбат давомида Евгений Рубан. — Улар миқозларимиз ҳаётига ёрқинлик ва қулайлик киритиш учун астойдил ҳарakat қилишмоқда. Биз, шунингдек, хо-

димларимиз малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратяпмиз. Мутахассисларимиз Россия, Белгия каби мамлакатларда ўқиб, ўз малакаларини ошириб қайтишди. Жорий Ижтимоий Ҳимоя йили муносабати билан анчагина хайрли тадбирларни ҳам амалга оширдик. Офисимиз очилган 11та вилоят марказидаги «Тез ёрдам» хизматларининг ҳар бирига «Тез ёрдам» машиналари, 22-болалар Мурувват уйига ва мактабларга компютер синфи совға қилганлигимиз, уруш ва меҳнат фахрийлари «Нуроний» сиҳатгоҳи, Республика шахмат федерацияси, Тошкент ахборот технологиялари университетига берилган ҳомийлик ёрдамлари шулар жумласидандир.

Шуни қувонч билан айта оламани, ўтган бир йил ичида компания миқозлари сони 3 бараварга, уяли алоқа бозоридagi ҳиссамиз салмоғи эса 9,2 фоизга ошди ва янгидан-янги хизмат турлари жорий этилди.

— Келгусидаги режаларимиз ҳам анчагина, — деди Евгений Скрипник. — Бу вазифалар оддий ва тушунарли тариф режаларини ишлаб чиқиш, янги хизмат турларини миқозлар эътиборига ҳавола этиш ва тармоқ ҳажмини кенгайтиришдан иборатдир.

Компания раҳбарлари анжуман иштирокчиларини қизиқтирган саволларга апрофлича жавоб беришди.

Ўз мухбиримиз

## КОЛЛЕДЖ ОДАРЕННОЙ МОЛОДЕЖИ

Профессиональный колледж информационных технологий города Карши в соответствии с проектом «Содействие дальнейшему развитию профессионального образования в сфере информационно-коммуникационных технологий», реализуемым нашей страной в сотрудничестве с Германией, получил современные компьютеры.

Сегодня в этом колледже, где обучаются 850 юношей и девушек, готовятся квалифицированные специалисты по направлениям электроника, программирование и бизнес в области информационно-коммуникационных технологий.

Наряду с этим мы проводим практические занятия по ремонту компьютеров и оказанию услуг, — говорит директор колледжа Гайрат Убайдуллаев. — Опытные педагоги специалисты преподают учащимся экономику, предпринимательство и менеджмент.

На каждом занятии используются компьютерные технологии и интерактивный метод обучения, — говорит учащаяся Махлие Абдурахманова. — И поэтому уроки проходят очень интересно. В свободное от учебы время я занимаюсь рисованием. В этом году стала победителем областного этапа конкурса «Келажак овози» по направлению «Художественное и прикладное искусство».

## СВЕЖИЕ КРАСКИ И ЗВОНКИЕ ТРЕЛИ

Масуда Хаджиматова радуется каждому телефонному звонку. До сих пор не может привыкнуть инвалид первой группы, что теперь и в ее доме заливиная трель нарушает тягостную тишину. И сама теперь часто присаживается к телефону, чтобы расширить круг общения.

В Год социальной защиты Масуде Хаджиматовой и еще 105 инвалидам, одиночкам и престарелым самаркандцам бесплатно установлены телефоны.

Своя радость у инвалида второй группы Натальи Ивановны Булаткиной. Близок к завершению долгожданный ремонт в ее доме, который сама она бы не осилила. Городской отдел социальной защиты населения и хохимият Самарканда включили проблемы Натальи Ивановны в адресную программу Года социальной защиты. Нашлись и спонсоры, разделившие государственную заботу об одиночках и престарелых земляках. К Булаткиной зачастили представители фирмы «Азия сервис», взявшей большую часть ремонтных затрат на себя. Около шести миллионов сумов вложено в благоустройство жилья пенсионерки. Предприниматель Батыр Джурамурадov называет себя не спонсором, а другом Эвелины Багдасаровой. Познакомили их бытовые проблемы одинокой пенсионерки. В 25 домах и квартирах посветлело после ремонта.


**Центр развития и внедрения компьютерных и информационных технологий UZINFOCOM в качестве Администратора доменной зоны UZ в рамках «Года социальной защиты» с момента публикации настоящего сообщения объявляет акцию по снижению стоимости регистрации доменных имен второго уровня в национальном домене UZ.**

Цель акции — создание льготных условий для приобретения доменных имен в национальном домене UZ физическими лицами — резидентами Республики Узбекистан. На юридических лиц и нерезидентов Республики Узбекистан данная программа не распространяется.

Все указанные здесь условия относятся только к доменным именам, зарегистрированным в рамках данной акции. Все остальные доменные имена регистрируются на общих основаниях.

Стоимость регистрации доменного имени устанавливается регистраторами, участвующими в акции, самостоятельно, но не более **9,95 долл. США** по курсу ЦБ на день оплаты. Цена

## Акция «ТВОЕ ИМЯ В .UZ»



регистраторов — **5 долл. США**. Стоимость продления доменного имени не регулируется.

Каждому участнику акции предоставляется возможность зарегистрировать **только одно** доменное имя. Перерегистрация доменного имени на другого пользователя возможна только через 12 месяцев. Длина доменного имени не может быть менее 5 символов (без учета «.UZ»).

Дополнительно, по желанию участника акции, Ресурсный центр общественной образовательной сети ZIYONET для каждого зарегистрированного в рамках акции домена сроком на 12 месяцев предоставляет услугу бесплатного веб-хостинга объемом до 50 Мбайт дискового пространства, плюс автоматическую установку на сайте веб-редактора Wordpress и один электронный почтовый ящик.

При этом на сайте устанавливается баннер данной акции до момента продления регистрации домена (истечения льготного периода регистрации). По данному адресу можно скачать баннер

Центра UZINFOCOM <http://www.uzinfo.com.uz/about/vcard/>.

Остальные условия регистрации и пользования доменными именами остаются неизменными и регулируются положениями «О порядке пользования доменными именами национального сегмента сети интернет» и «О порядке администрирования доменов в зоне «.UZ»». Документы расположены по адресу <http://www.cctld.uz/info/>.

Регистраторы, участвующие в данной акции, берут на себя обязательства по широкому освещению акции среди резидентов Республики Узбекистан всеми доступными им средствами, а также принимают все необходимые меры для предотвращения массового захвата доменов недобросовестными пользователями по льготной цене с целью последующей перепродажи.

Акция действует **до 31 декабря 2007 года** включительно.

Обсуждение акции доступно на форуме площадки uForum.uz по адресу <http://uforum.uz/showthread.php?t=2728>.

# Новости в сфере ИКТ

## В Москве завершилась выставка «Инфоком-2007»

В Москве завершила работу выставка «Инфоком-2007», посвященная новейшим технологиям в сфере телекоммуникаций.

Значительная часть Инфокома было посвящена 3G сетям. Компания Ericsson на своем стенде предлагала посмотреть потоковое видео на мобильном телефоне с использованием 3G, «Мегафон» развернул у себя на стенде демонстрацию работы сетей третьего поколения, и также давал протестировать соответствующие услуги всем желающим. Китайская корпорация ZTE устроила минивыставку последних моделей своих телефонов, работающих в стандарте CDMA.

Отдельным сектором выставки стал «Инфолинукс», куда вошли стенды Mandriva и «Линуксцентра» вместе с залом для мастер-классов. На стендах можно было получить бесплатно последний дистрибутив Mandriva Linux 2008, а также купить игрушки и изображения пингвина. Зал для мастер-классов был оснащен компьютерами с предустановленным Mandriva Linux, и зал был занят до последнего места. Доклады были посвящены использованию Линукса в госструктурах, бизнесе и образовании.

## АФОРИЗМ

Слово - жемчуг из людского рудника,  
Слово - роза из мирского цветника

Алишер НАВОИ

Корпорация Microsoft объявила о покупке базирующейся в Таиланде компании Global Care Solutions (GCS).

## Microsoft купила разработчика медицинского ПО

GCS специализируется на разработке программного обеспечения для сферы здравоохранения. Первые программные пакеты Global Care Solutions появились на рынке в 2000 году. В настоящее время разработки GCS применяются в семи медицинских учреждениях на территории Азиатско-Тихоокеанского региона. Приложения GCS позволяют, в числе прочего, оптимизировать документооборот внутри медицинских учреждений, автоматизировать формирование счетов и упростить процесс составления и обновления медицинских записей.

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИДА РАДИОТЕХНИКА, РАДИОАЛОҚА ВА ТЕЛЕВИДЕНИЕ ФАКУЛТЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМ БЎЛИБ ЎТДИ. БАЙРАМ ТАДБИРИДА УНИВЕРСИТЕТ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ, СОБИҚ БИТИРУВЧИЛАР, РЕСПУБЛИКАМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ҲАМДА ҚОРХОНА-ТАШКИЛОТЛАРИДАН МЕҲМОНЛАР ҚАТНАШИШДИ.

## Факултетнинг ярим асрлик тўйи



пайтдаги шарт-шароитлар, устоз ва шогирд муносабатлари ҳақида сўз юритишди. Магистрант Анваржон Қодиров устозлар фаолият йўли бугунги талабалар учун ҳақиқий мактаб эканлигини таъкидлаб, илм чўққисини эгаллашдаги бекиёс ҳиссалари учун уларга миннатдорчилик билдирди.

Бу каби самимий тилаklar байрам дастурхони атрофида

ҳам давом этди. Байрам баҳонасида узок йиллар кўришмаган дўст ва дугоналар, устоз ва шогирдлар яна учрашишди. Факултетда амалга оширилган кенг қўламли ўзгаришлар, замонавий жиҳозланган ўқув хоналарини қўриб дилларда ҳавас уйғонди.

Дарҳақиқат, ярим аср давомида нафақат Ўзбекистон, балки қўшни республикалар ва хориз

мамлакатларидан келган талабалар ҳам факултетдан ётуқ мутахассислар сифатида учирма бўлишди, бугун уларни фан ва ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида учратиш мумкин. Университетнинг энг ётақ факултетлари сафида бораётган ушбу даргоҳ кенгайишда, ривожланишда давом этапти. Мамлакатимиз иқтисодиётининг энг муҳим со-

ҳаларига билимли ва юксак салоҳиятга эга мутахассисларни етказиб бераётган Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факултети жамоасини қўтуғ сана билан муборакбод этган ҳолда уларнинг эзгулик йўлидаги ишларида зафарлар тилаб қоламиз.

Собит АҲАДОВ,  
"Xabar" мухбири

Тошкент ахборот технологиялари университетининг Радиотехника, радиоалоқа ва телевидение (РРТ) факултети 1957/58 ўқув йилида ташкил этилган. У вақтда факултет Радиоалоқа ва радиоэшиттириш номи билан юритилиб, радиоалоқа ва радиоэшиттириш мутахассислиги бўйича муҳандислар тайёрлаган. Биринчи ўқув йили факултетга юз нафар талаба қабул қилинган.

1957 йилдан 1961 йилгача факултет декани вазифасини вақтинча "Гуманитар фанлар" кафедраси мудир, доцент Х.Турсунов ҳамда катта ўқитувчи Р.Мансуровлар бажарди. Кейинчалик катта ўқитувчилар М.Ваулин (1961—1980 й.), Ш.Тожибоев (1980—1985 й.), О.Абдуазизов (1986—2000 й.), доцент М.Зуларов (2000—2001 й.)лар деканлик қилдилар. 2001-2002 ўқув йилидан бошлаб факултет декани вазифасида доцент Р.Ибраимов ишлаб келмоқда.

Факултетни дастлаб, 1962 йили, 67 нафар талаба тамомлади. РРТ факултети 1962—1999 йиллар давомида 3904 муҳандис, 1999—2004 йилларда 663 бакалавр ва 2001—2004 йиллар давомида 172 магистр тайёрлади. 2004-2005 ўқув йилида факултетда бакалавриатура йўналиши бўйича жами 773 (бундан 173 талаба ўқишнинг сиртки шаклида, 560 талаба кундузги шаклида), магистратура эса 31 талаба таълим олди. Ҳозирда телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш ҳамда радиотехника йўна-

## Шонли йўл



● Факултетнинг биринчи битирувчилари

лишлари бўйича бакалаврлар, мобил алоқа тизимлари ҳамда радиотехника қурилмалари ва алоқа воситалари мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

Айни дамда факултетда "Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти", "Радиотехника ва радиоалоқа", "Антенна-фидер қурилмалари", "Алоқа қурилмалари электр таъминоти", "Радиоалоқа қурилмалари", "Телевидение ва радиоэшиттириш" ва "Радиотехника тизимлар" кафедралари мавжуд. Уларда фан докторлари, профессорлар, фан номзодлари ва доцентлар ишламоқда.

РРТ факултети ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот, маърифат ва маъна-

вият ишларини юқори даражада ташкил этиши ва яхши натижаларга эришиши билан университет факултетлари орасида доимо олдинги ўринларда бўлган. Факултетда ўтган даврда давлат бюджети ва хўжалик шартномаси асосида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди ва ижобий натижаларга эришилди. Улар ичида:

1995—2000 йиллар давомида асосан РРТ факултети кафедралари профессор-ўқитувчилари, илмий ходимлари, аспирантлари ва иқтидорли талабалари томонидан бажарилган илмий тадқиқот ишлари натижалари «Радиотехника қурилмалари ва тизимлари» номи билан 5-қисмда чоп этилди. Бу тўпламга мақолалар танлаш ва уларни нашрга

тайёрлаш ишларини факултет декани ва кафедра мудирлари бажардилар.

Факултет талабалари 3-босқичдан бошлаб тегишли кафедраларга бириктириладилар ва ушбу кафедра профессор-ўқитувчилари билан бирга талабалик илмий иши ва битирув малакавий иши мавзуси бўйича изланишлар олиб борадилар, бунинг натижалари илмий-техник анжуманларда муҳокама қилинади. Магистратура талабаларига бириктирилган диссертация мавзулари ҳам соҳа келажаги билан боғлиқ муаммоларга бағишланган бўлиб, бу ишлар факултетнинг катта илмий-услубий тажрибага эга профессор ва доцентлари раҳбарлик қилдилар.

Радиотехника, радиоалоқа ва радиоэшиттириш факултетини турли йилларда тугаллаганлардан ўнга яқини фан доктори, юзга яқини фан номзоди илмий даражасини олдилар ва Ўзбекистон, МДҲ ва чет элларда фаолият кўрсатиб келмоқдалар. Стерльтамак (Бошқирдистон) давлат педагогика институти илмий ишлар проректори А.Ғалиев, Радио илмий текшириш институти бўлим бошлиғи (Россия, Москва) Ю.Сагдуллаев, Санкт-Петербург давлат телекоммуникация университети профессори В.Филик, Астрахан давлат техника университети кфедра мудирини В.Дмитриев, Поволжье телекоммуникация ва информатика давлат академияси профессори А.Корякин, Тошкент ахборот технологиялари университети илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори Х.Ариповларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хўлоса қилиб айтганда, радиотехника, радиоалоқа ва телевидение факултети профессор-ўқитувчилари талабаларга чуқур билим бериш ва илмий изланишлар олиб боришда ўз олдларига қўйилган вазифаларни фаол бажармоқдалар.

Омон АБДУАЗИЗОВ,  
ТАТУ "Радиотехника ва радиоалоқа" кафедраси мудирини

ТО'УХАТ

У ҳаёти давомида кўп бор таваккал қилган. Ушанда эндигина мактабни битириб, ўқишга кириш учун Тошкентга отланган эди.  
— Юнусали, Тошкентда нима бор, — деган эди кўшни отахон. — У ерда ҳар куни зилзила бўлиб турган бўлса. Фарғонада ўқийвер, ҳар шанба-бозор уйга келиб-кетиб турасан.  
— Тақдирга таваккал, — деди Юнусали. — Мен танлаган соҳага фақат Тошкентда ўқитишади.

Ушанда улар чодирларда имтиҳон топширишган эди. Синовлардан муваффақиятли ўтиб, Тошкент электротехника алоқа институти талабаси бўлган кун кечагидай ёдида. Орзуси амалга ошганидан ўзини дунёда энг бахтиёр инсон ҳис этган эди.

Институтни тугаллаганда унга Тожикистоннинг олис Кўлоб туманига йўланма беришди. Яна таваккал қилди. Йигитлик бурчини ўташдан олдин юртдан узоқда яшаб кўриш зарар қилмас. Зотан, мусофир бўлмагунча, мусулмон бўлмас дейдилар. Дарҳақиқат, у ерда икки йилча ишлаб бироз машаққат чекани соз бўлган экан, кўрган-кечирганлари умри мобайнида кўп асқотди. Армия хизматини эса Бишкекда ўтади. 1974 йили Кувага қайтди. Юнус ака Содиков раҳбарлигида туман алоқа бўлимида ишлаб бошлади. Радиолаштириш авж олган, телевидение эндигина кенг тарқалётган йиллар эди. Қанчалар иштиёқ билан ўқиган бўлса, шунчалар иштиёқ билан ишга киришди. Ёш, билимдон, узоқ мутахассис... Ишчанлиги, ғайрат-шижоятини айтмайсизми. Тез орада нафақат туман, балки вилоят алоқа ходимлари орасида ўз ўрнига эга бўлди. Обрўси ортиб борди. Уни вилоят алоқа ишлаб чиқариш бошқармасига тез-тез таклиф қилишар эди. "Бутунлай Фарғонага келиб яшанг" таклифини рад этарди.  
— Фарғона-Кува, Кува-Фарғона қилиб қатнашдан чарчамадингиз-

## Эл суйган Элмуродов

ми, — деди бир гал ўша пайтдаги бошқарма раҳбари Абдувоҳид Жўрабоев. — Келинг, Фарғонага. Сиз бизга жуда кераксиз...  
Бу овозда буйруқдан кўра ҳурмат-эҳтиром туйғулари кучлироқ эди. Асл инсон, ажойиб раҳбар сифатида алоқачилар қалбидан ўрин олган кишининг гапини ерда қолдириб бўлармиди. Таваккал қилишдан ўзга чора қолмаган эди. Ушанда Фарғона шаҳрида халқаро станциялар қурила бошланган, бирмабир саккизликка улаб чиқишган эди. Буни қарангки, унинг диплом иши мавзуси ҳам Фарғона шаҳрида халқаро телефон алоқаси станциясини қуришга бағишланганди. Шунинг учун ҳам анча машаққатли жараёнлар унинг учун гоёт кўнгилли эди. Ҳа, 1990-1996 йилларда Юнусали Элмуродов қанчалар фидокорона меҳнат қилганлигини ҳамма бирдай эслайди. 1990-2000 йилларда Фарғона шаҳар телекоммуникациялар боғламаси шаҳарлараро телефон станцияси цехи

бошлиги ўринбосари, кейинроқ бошлиги вазифаларида ишлаб келмоқда. Узоқ йиллик самарали меҳнатлари, соҳа ривожига қўшган ҳиссаси учун 2005 йили Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг "Фахрий ёрлиғи" билан тақдирланган.  
— Чиндан ҳам Юнусали Элмуродовнинг вилоят телекоммуникация алоқасини тараққий топдиришдаги хизматлари беқиёс, — дейди "Фарғона Телеком" филиали раҳбари Нўъмонжон Акбаров. — Биз соф-

дил, тўғрисиўз, билимдон устозимиз билан фахрланамиз. Анча йиллардан буён кўп сонли жамоани оқилона бошқариб, ишни давр талаблари даражасида ташкил этётгани учун миннатдоримиз...

Юнусали аканинг шогирдлари кўп. Улар вилоятнинг ҳар бир шаҳар ва туманида бор, десак муболаға бўлмайди. Малакали мутахассислар сифатида танилган Энвер Аджигелдиев, Назиржон Умаралиев, Азизахон Абдуллажонов ва қабилар ана шулар жумласидандир.

Шу кунларда Юнусали акани фарзандлари, неваралари, барча яқинлари ва шогирдлари, ҳамкасблари муборак 60 ёши билан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, кўз умр тилашмоқда.

Эл суйган инсонлик макоми азизи асло тарк этмасин, Юнусали ака!

Ҳафиза САЛҲАҶОВА,  
"Хабар"нинг Фарғона вилоятдаги мухбири

### Ўзгалар ҳақинасидан

Илмдан бир шўъла дилга тушган он,  
Шундан билурсанким илм бепоён

ФИРДАВСИЙ

## Севинч

Мустақиллигимизнинг 16 йиллик байрамини нишонлаш арафасида Қорақалпоғистон Республикасининг узоқ Қораўзак тумани "Маданият" қишлоғида истиқомат қиладиган Калжан Рейимкулова ҳаётида қувончли воқеа рўй берди.



Юртбошимиз фармонида биноан, у алоқа соҳасидаги узоқ йиллик самарали меҳнати учун "Шуҳрат" медали билан тақдирланди.

Калжан Рейимкулова ўрта мактабни тугатган, Қораўзак алоқа боғламасида 1977-1979 йиллар давомида телеграфчи, 1982 йилгача телефончи, 1984 йили Нукус шаҳридаги алоқа техникумини тугатган эса "Маданият" алоқа бўлимида фаолият кўрсатди. Мана, йигирма йилдан кўпроқ вақтдан буён Хожа, Бессари, Қорамўйин, Мактаб овулларидаги 720 нафардан ортиқ нафақачи, 200 дан ортиқ обуначига хизмат қилиб келмоқда. Шунингдек, у аҳолидан газ, электр энергияси, телефон хизмат тўловларини йиғишда ҳам фаол.

— Калжанин хизматидан жуда миннатдоримиз, — дейди узоқ йиллар мактабда ўқитувчилик қилган Тозагул Идиятова.

Беш нафар фарзандни ҳалол меҳнати билан вояга етказиб, халқ ишончини қозонган бу ажойиб инсонга мукофот муборак бўлсин, деймиш.

Раҳимжон БОЛТАБОВ,  
"Хабар"нинг Қорақалпоғистон Республикасидаги мухбири

## Мижозлар мамнун

Ораимизда шундай инсонлар борки, улар танлаган касби, ҳалол, камтарона хизматлари билан халқимиз ҳурматида сазовор бўлишади. Ҳалимжон Қозиевни ҳам ана шундай инсонлардан бири десак, хато бўлмайди. У салкам 16 йилдан буён Фарғона "Матбуот тарқатувчи" МЧЖнинг тоғолди Сўх туманидаги марказий дехқон бозорига жойлашган матбуот дўконинида мижозларга кўнгилдагидек хизмат кўрсатиб келмоқда.

Мижозлар ўзларининг сеvimли газета-журналларини исталган пайтда дўкондан топа олишади. Шу билан бирга, қўшимча хизмат кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Матбуот дўқони доимо одамлар билан гавжум. Бунга сабаб дўкондаги тозалик, саришталик ҳамда Ҳалимжон Қозиевнинг ҳушмуомалалиги, очикқўнгиллигидир.

— Мен касбим билан фахрланман, — дейди Ҳалимжон ака. — Одамларга озми-кўпми нафим тегайтирдим ҳурсандим. Раҳматли отам умрининг охиригача мана шу дўконда ишлаб, халқимиз хизматида камарбаста бўлган. Камтарин инсон Ҳалимжон Қозиевнинг хизматлари "Матбуот тарқатувчи" МЧЖ томонидан "Фахрий ёрлик", қимматбахо совға ва пул мукофотлари билан муносиб тақдирланган.

Биз ҳам у қишга ҳаммиша омад ёр бўлишига тилақдошимиз.

Асқарбек АНБАРЖОНОВ

## ХОТИРА УYG'ONSA GO'ZALDIR

Шундай умрлар бўладики, ортидан яхши ном, ўчмас хотира, боқий сўз қолади. Алоқа соҳасида қарийб йигирма йил самарали меҳнат қилган Алишер Очилов ҳам ана шундай фидойи инсонлардан эди. Ўз соҳасининг билимдони, ҳалол, инсонийлигини юксак фахмлайдиган бу инсон агар ҳаёт бўлганида октябр ойининг 31 кунини ўзининг 44 ёшини қарши олган бўларди.

Алишер Очилов 1964 йилнинг 31 октябрыда Шахрисабз туманининг Наматон қишлоғида таваллуд тогган. 1982 йилда ўрта мактабни тугатиб, Тошкент электротехника алоқа институтига ўқишга киради. 1987 йилда мазкур институти радиоалоқа ва радиоштитириш йўналиши бўйича муваффақиятли тамомлаб, йўланма билан Қашқадарё радиотелевизион узатиш маркази (РТУМ)га ишга келади. 1987-1990 йилларда Қашқадарё РТУМда, 1990-1995 йилларда Шахрисабз туманидаги ХРСУ-1 ташкилотидида муҳандис, кейинчалик бош муҳандис, 1995-1996 йиллари Шахрисабз телестудиясида видеомуҳандис, 1996-1998 йиллари «Кумуш» АЖда муҳандис, 1998-2006 йиллари «Ўздуробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонаси Шахрисабз филиалида база станцияси етакчи мутахассиси, эксплуатация муҳандиси, бош мутахассис лавозимларида фаолият юритди.

## Ҳаёт зарварақлари



Филиалнинг Қашқадарё вилояти туманларидаги база станцияларининг ишга туширилишида, уларнинг бир маромда фаолият юритишида А.Очиловнинг алоҳида ўрни бор.  
— Алишер Очиловни узоқ

йиллардан буён соҳанин етук мутахассиси сифатида билардим, — дейди «Ўздуробита» хорижий ишлаб чиқариш корхонаси Шахрисабз филиали директори Камол Ҳайитов. — У нафақат менга, балки жамоамиз учун ҳам кадрдон бўлиб қолган эди. Бу йўқотиш менга ҳам руҳий таъсир этмасдан қолмади. Сабаби, у жамоада етук мутахассис, вилояда меҳрибон ота, ўзгалар учун ёрдамини аямайдиган инсон эди. Филиалимиз хизмат кўрсатадиган ҳудудлардаги база станцияларида унинг бармоқ излари, ёш мутахассислар учун фойдали маслаҳатлари, жонбозлик намуналари қолган бўлса, ажаб эмас.

Камол Ҳайитов жамоа вакиллари билан Алишер Очилов хонадонига тез-тез ташриф буюриб, саховат ёрдамини кўрсатиб келади. Вояга етётган фарзандлари, яқинлари билан мулоқотда бўлади.

— Ўн олти йил турмуш куриб аҳил яшадик, — дейди Алишер Очиловнинг турмуш ўртоғи Лутфия Воҳидова. — Фар-

зандларим Одилбек ва Ойбекжонлар ҳам ота касбига қизиқади. Турмуш ўртоғим ишдан кеч қайтса ҳам тиним билмасди. Кимнингдир телевизор ёки радиоприёмнигини тузатиш билан машғул бўларди. Фарзандларимиз тарбиясида алоҳида эътибор билан қарар эди. Сўнгги пайтда ишлаган меҳнат жамоаси оламизнинг кадрдон кишиларига айланишган. Камол ака бошчилигида тез-тез хабар олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий ёрдам кўрсатиб туришибди. Демак, турмуш ўртоғим ишда кадрли, яхши одамлар қуршовида бўлган экан.

— Алишер Очилов ёш мутахассисларга қўлидан келган ёрдамни беришга ҳаракат қилиб, самимийлиги туфайли ҳурмат қозонди, — дейди филиалнинг мижозлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Бекзод Маннонов. — У кишининг ҳаёт зарварақлари қисқа бўлсада яхши амаллар билан безанган. Вилоятимизда фаолият олиб бораётган уяли алоқа компаниясининг биринчи маҳаллий мутахассисларидан эди дейиш мумкин.

Алишер Очилов ҳаётда самимий, софдил инсон эди. Бу хислатлари қаерда ким бўлиб ишласин обрўсига обрў қўшарди. Унинг порлоқ ҳаёти ҳамкасблари, фарзандлари, яқинлари қалбидида мудомак сақланиб қолади.

Афтондил ИСМОИЛОВ,  
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятдаги мухбири

SAVOL VA JAVOB

НЕГА ПЛАТИНА ОЛТИНДАН ҚИММАТ?

Инсоният бу қиммат-баҳо металл билан танишганига 4000 йилдан ошди, аммо қийин эрувчанлиги боис аввалига ундан фойдалана олишмаган. "Platina" — испанча "plata" — "кумуш" сўзининг кичрайтирилган маънода қўлланилиши. Катта миқдордаги платина Европада дастлаб XVIII асрда Жанубий Америкадаги конлардан келтирилган. Бироқ харчанд уринишмасин "ноёб кумуш"ни эрта олишмади. Шундан сўнг у кумуш ва олтиндан қўлда ажратилиб, испан қиролнинг фармони билан денгизга сочиб юборилади. Узоқ вақт платина шайтоний илм маҳсули деб ҳисобланиб келинди, зеро, табиятда олтиндан оғир металл бўлиши уша давр тасаввурларига мутлақо зид эди.


Хозир платина айнан бир пайтлардаги "камчилиги" — қийин эрувчанлиги (эриш ҳарорати — 1773,5 С°) ва кимёвий бардошлилиги сабабли ҳам бебаҳо металл ҳисобланади. У асосан кимё лабораториялари учун жиҳозлар ясашда ва катализатор вазифасида, шунингдек, автомобил двигателларида кенг қўлланилади.




КРОССОВКА МУАЛЛИФИ КИМ?

Адольф Дасслер номи кўпчилигимиз учун нотаниш. Аммо у 1920 йилда ўйлаб топган спорт пойабзали ва унинг исм-фамилияси бош ташкил топган ном билан аталувчи 1948 йили ташкил этилган "Адидас" компаниясини билмайдиган инсон йўқ, албатта.

Ашаддий спорт мухлиси бўлган Дасслернинг спортчилар учун жуда қулай оёқ кийими ясашга бор билим ва маҳорат сарфлаши ўз мевасини берди. 1928 йилги Амстердам олимпиадасидан сўнг "Адидас" катта спортга кириб келди.



СВЕТОФОР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?



XIX асрнинг иккинчи ярмида шаҳар кўчаларида от-уловлар билан ёнма-ён биринчи автомобилларнинг ҳам пайдо бўлиши транспорт воситалари ҳаракатлинишини тартибга солишни тақозо этарди — зеро, уларнинг ҳаракатчилиги ва тезлигида ер билан осмонга фарқ бор эди. Энг дастлабки, яъни семафор тоифасидаги светофор 1868 йилнинг декабрида Лондонда, Парламент олдидаги майдонда муҳандис-механик Ж.Найт томонидан ўрнатилган.

Бу қурилма қизил ва яшил ойнали газ лампадан иборат бўлиб, фақат қоронғу тушиши билан ишлай бошлаган ва парламент аъзоларининг кўчадан эсон-омон ўтиб олишларига ёрдам берган. Аммо бу "техника мўъжизаси" бор-йўғи тўрт ҳафта, портлаб кетгунига қадар ишлади. Оқибатда бир полициячининг ҳалок бўлиши Найт ихтиросининг бир қанча муддат унут бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Фақат 1914 йилга келиб, Шимолий Американинг Кливленд, Нью-Йорк ва Чикаго шаҳарларида қизил ва яшил сигнал берувчи илк электр светофорлар пайдо бўлди. Уч рангли светофорга эса дастлаб 1918 йили Нью-Йоркликлар гувоҳ бўлишган.

ШИМОЛ ВА ЖАНУБ: ҚАЙ БИРИ ИЛИҚ?

Арктика (Шимолий кутб) ва Антарктика (Жанубий кутб) — қайси бири илиқроқ? Ёзда Антарктикага Кувеш тафти 7 фойиз кўпроқ тушади. Шунга қарамадан, қарама-қарши кутбда бу ердан бирмунча илиқроқ ҳароратни кузатиш мумкин. Сабаби нимада? Табиатнинг бу ғаройиб ҳодисасини изоҳловчи бир қанча омиллар бор.

Уларнинг биринчиси — Шимолий Муз океани Гренландия ва Шимолий Европа оралигида Атлантика океани билан эркин сув айланмасига эга. Атлантиканинг илиқ сувлари ҳамда кучли Голфстрим оқими Арктика музликларига эркин кириб келиб, унинг иқлимини анча юмшатади. Бундан ташқари, Евроосиё ва Шимолий Америка дарёлари Шимолий Муз океанини чўчуқ сув билан бирга қўшимча илиқ ҳарорат билан ҳам таъминлаб турадики, Антарктида бундай имкониятлардан маҳрум.

Антарктика совуқлигининг сабабини эса Жанубий кутб материгининг Ёрдаги олти материк орасида энг баландда жойлашганлиги билан изоҳлаш мумкин. Унинг ўртача баландлиги 2000 метр, Евроосиё эса ўртача 900 метр баландликка эга. Антарктида 1800 метр қалинлидаги муз билан қопланган, Шимолий муз океанида эса бу қўрсаткич бир неча метрни ташкил этади. Ана шу тафовутлар сабаб Антарктида ўртача 13 С°, баландликларда 25–28 С° гача тафовутдаги совуқликка эга.



КЎЗИНГИЗНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?

Кўпчилик киши кўзларининг рангига қараб унинг эгаси табиати ҳақида ёнқи унга хос бирор хусусият борасида ҳулоса чиқаришга ошиқади. Фақат шуниси аниқки, кўзнинг ранги бу хусусият унинг ирсийлигидан далолат беради, ҳолос.

Кўзнинг асосий қисмини кўз соққаси ташкил этади. У бир неча пардадан иборат. Энг устки мугуз пардининг остида қон томирлари ва пигмент ҳужайраларига бой — рангдор парда (айнан у кўз рангини белгилайди) жойлашган.

Рангдор пардининг чўқур қатламларидан бирида мугуз парда орасидан нур сочувчи меланин пигментига эга ўзига хос ҳужайралар — хроматофорлар мавжуд. Чақалоқларнинг кўзлари ранг жиҳатдан деярли тафовут қилмайди, фақат болалар 2-3 ёшга тўлганида кўз ранги (уни белгилаб берувчи меланин ферменти пайдо бўлганида) тўлиқ шаклланиб бўлади. Меланин кўз ҳужайраларида қанчалик кўп бўлса, кўз ранги шунчалик қорамтирлашиб бораверади. Маълумки, экватордан узоқда яшовчи миллатларда мовий-зангори кўзлилар кўп учрайди, жигарранг кўзлар мўътадил иқлимли мамлакатлар аҳолисига хос хусусият, қора кўзлар эса экваторга яқинлик нишонаси. Кўз қанчалик қора тусли бўлса, у кўёшнинг ўткир нурларидан шунчалик ҳимояланган бўлади. Бу ҳолатда Узоқ Шимолининг қоракўз инсонларини истисно қилиш мумкин. Чунки уларнинг ҳам кўзлари кўзни қамаштирувчи қор аксини юмшатишга мослашган. Ирсиятшуносларнинг аниқлашларича, энг кучли ген жигарранг кўзлар генлари бўлиб, улар кўзнинг мовий ёки яшил бўлишини таъминловчи генлардан устун келаркан.



Собит АҲАДОВ тайёрлади

QANDOLATCHILIK SABOQLARI

"ҚОРА ҚИТЪА" ТОРТИ

150 г сариёғ, 1 стакан шакар, 1 ошқошиқ ванилли шакар, 4 дона тухум, 4 дона банан, 2 чой қошиқ кўпчигувчи (разрыхлитель), 100 г шоколад, 1 стакан ун, 100 г шоколадли глазур, 1 стакан қаймоқ, 50 г майдаланган ёнғоқ.



Тайёрланиши:

Сариёғ, шакар ва ванилли шакарни яхшилаб аралаштиринг. Унга тухум саригини ҳам қўшинг. Банандан 4 бўлакча беази учун олиб қўйиб, қолганини пюре ҳолига келтиринг. Қирғичдан ўтказилган шоколада, кўпчигувчи, ун, ёнғоқни аралаштиринг. Учта алоҳида қоримшани бирлаштириб, яхшилаб аралаштиринг.

Шакли қолипни ёлған ва хамирни солинг. 30 дақиқа давомида 180 даража қизиган газ печида пишириб олинг. Тайёр бўлган, қолдиган чикариб, совитинг.

Корж устига шоколадли глазурни қўйинг. Қаймоқни миксер ёрдамида аралаштириб, торт устидан гулча шаклида сичкиб чиқаринг. Унинг устидан эса бананларни қўйиб чиқинг.

SALOMATLIK

ҲАМ ОЗУҚА, ҲАМ ШИФО

Карам ҳар хил шароитда бемалол ўсадиган ўсимлик. У шунингдек, кўплаб касалликларга даво ҳамдир.

Карам таркибидаги фитонцид сил бациллаларига, тилларанг стафилакокк ва касаллик қақирувчи бошқа микробларга қирон келтиради. Шу боис, карам яллиғланиш билан боғлиқ турли хасталикларга ижобий таъсир кўрсатади.

Бош қарам шарбати меъда ва ўн икки бармоқли ичак ярасига малҳам. Дастлабки 5-10 кун мобайнида карам шарбатидан чорак стакандан овқатдан йигирма дақиқа аввал ичлади. Мазкур тadbир беморга анча енгиллик бериб, оғриқни қолдиради ва яраларни эт олдиради. Парҳезга амал қилинса, бир-бир ярим ойдан сўнг беморнинг соғайиши кузатилади.

Товуш бўғилиб қолса, карам шарбати истеъмол қилинг. Овоз равланлашиб, балғам ажралиши енгиллашади. Бунинг учун бош қарамдан қайнатма тайёрлаб, чорак стакандан кунига тўрт-олти маҳал ичиб туриш лозим. Хориж табиблари амалиётда карам ўзаги ўсма хасталигига даво сифатида қўлланилади. Бош қарамнинг ўзаги қирғичдан ўтказилиб, унга ярим чойқошиқ ўсимлик мойи аралаштирган ҳолда истеъмол қилинади.

Карам жигар, ўт пуфағи, буйрак ва қовуқда мавжуд бўлган тошларни нуратадиган восита ҳам ҳисобланади.



АЛОҚАЧИ ЛУФАТИ

● **USENET тизими** (ru — система USENET, en — USENET system) — Дастлаб коммутацияланадиган улашиллар учун ишлаб чиқилиб, ҳозирда TCP/IPда қўлланиладиган, электрон почта асоси бўйича янгиликларни муҳокама қилиш тизими.

● **Хост, узел, бош компьютер** (ru — хост, узел, главный компьютер, en — host) — 1. Тармоқдаги илчи машина; асосий ЭХМ, тармоқ вазифаларидан ташқари (тармоққа хизмат кўрсатиш, маълумотларни узатиш) фойдаланувчи топшириқларини (дастурлар, ҳисоблашлар) бажарадиган тармоқ компютери.

2. Тармоқда нафақат маълумотларни узатиш бўйича вазифаларни, балки амалий дастур ишлари билан боғлиқ бўлган айрим бошқа вазифаларни ҳам бажарувчи компютер. Ўз ахборот ва ҳисоблаш ресурсларини терминалларга тақдим этади.

● **Экстранет, Экстранет тармоғи** (ru — Экстранет, сеть Экстранет, en — Extranet) — Мижозлар, таъминотчилар, субподрядчилар, ишбилармон шерикларни ва ташкилотнинг ахборот тизимига бизнесни янада самарали юритиш учун танлаб фойдаланиш зарур бўлган томонлар ташкилотига нисбатан бошқа ташқи шерикларни ўзаро боғловчи ёпиқ корпоратив интра-тармоқни кенгайтириш.

ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОЛ ВА ПРОТОКОЛЛАР

● **Алгоритм** (ru — алгоритм, en — algorithm) — Қадамларнинг охириги сонидан масалаларни ҳал қилиш учун аниқ белги-ланган қондаларнинг тартибга солинган охириги тўплами.

● **Демон** (ru — демон, en — demon) — Бошқа дастурнинг ишини назорат қилувчи, вақти-вақти билан дастурнинг ўзи (кўпинча бу периферия қурилмаларини бошқарув дастури)ни бузмаган ҳолда унинг ишини узиб қўювчи дастур.

● **Драйвер** (ru — драйвер, en — driver) — 1. Амалий жараёнлар ва ташқи қурилмалар ўртасида маълумотлар алмасиувини бажарувчи, тезкор хотирага юкланувчи дастур.

2. Бажарилувчи дастурларнинг алоҳида қурилма билан ўзаро таъсирини таъминловчи ва ундан ўринли фойдаланишига имкон берувчи амалий тизимнинг бошқарув дастури.



## SPORT

### BOXS

## НАТИЖАЛАР КҮНГИЛДАГИДЕК ЭМАС

Газетамизнинг аввалги сонида АҚШнинг Чикаго шаҳрида бокс бўйича навбатдаги Жаҳон чемпионатига старт берилгани ҳақида хабар қилган эдик. Унда барча вазн тоифалари бўйича 11 нафар боксчимиз қатнашаётган эди.

Мазкур жаҳон биринчилиги терма жамоамиз учун кўнгилдагидек натижани тақдим этаётгани йўқ. Қатор боксчиларимиз бирин-кетин мусобақани тарк этишга мажбур бўлишди. Фақатгина 81 кг вазнда жанг олиб бораётган Аббос Атоев чорак финалга қадар етиб келди ва мусобақани давом эттирмоқда.

Кутилганидек, Жаҳон чемпионати медалларига ва Пекин-2008 Олимпиадаси йўлланмаларига россиялик боксчилар асосий даъвогар бўлиб туришибди. Ушбу мамлакат "чарм қўлқон" усталарининг 10 нафари чорак финалга чиқишга муваффақ бўлди.

Эслатиб ўтамиз, мусобақа 3 ноябрга қадар давом этади.



### FUTZAL

## ФУТЗАЛЧИЛАРИМИЗ

### ЯРИМ ФИНАЛДА

Макаода ўтаётган Осиё ўйинлари таснифига кирмайдиган спорт турлари бўйича II Осиё ўйинларида футзал бўйича эркаклар терма жамоаси гуруҳ баҳсларига яқун ясашди.

"В" гуруҳида иштирок этаётган терма жамоамиз гуруҳдаги учинчи учрашувни Гонконг футзалчиларига қарши ўтказиб, 6:1 ҳисобида ғалаба қозонишди. Гуруҳда 7 очко тўплашга муваффақ бўлган Ўзбекистон терма жамоаси тўплар нисбати кўра биринчи ўринни қўлга киритди. Иккинчи ўринни Япония термаси банд этди.

Кеча терма жамоамиз чорак финалда Малайзия футзалчиларини 6:1 ҳисобида доғда қолдиришиб, ярим финалга йўл олишди.

Макаода юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган футзал бўйича аёллар терма жамоаси ҳам ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Ўз гуруҳида биринчи ўринни эгаллаган футзалчи қизларимиз ярим финалда Таиланд терма жамоаси билан беллашади.

### KIBERSPORT

## ДОНИЁР – КУМУШ

### МЕДАЛ СОҲИБИ

Макаода ўтаётган Осиё ўйинлари таснифига кирмайдиган спорт турлари бўйича II Осиё ўйинларида e-sport бўйича икки нафар киберспортчимиз юртимиз шарафини ҳимоя қилди.

Need For Speed: Most Wanted бўйича мусобақаларда қатнашган Дониёр Шомузаффаров финалга қадар етиб борди ва кескин баҳсда хитойлик рақибига имкониятни бой бериб, кумуш медални қўлга киритди.

FIFA 2007 ўйини бўйича иштирок этган Бобур Тожибоев эса тўртинчи ўринни банд этди.



### FUTVOL

## АГРИБАНК КУБОГИ

Ўзбекистон олимпия терма жамоаси Вьетнам футбол федерацияси томонидан келган таклифга биноан шу йилнинг 1-5 ноябр кунлари "Агрибанк кубоги"да иштирок этади. Унда Ўзбекистон олимпия терма жамоасидан ташқари мезбонлар, Зимбабве ва Финляндиянинг 23 ёшгача бўлган терма жамоалари иштирок этади.

Вадим Абрамов шогирдлари дастлаб мезбонлар билан, 3 ноябр куни финляндиялик тенгдошлари билан баҳс олиб борса, сўнгги учрашувини 5 ноябр куни Зимбабве олимпия терма жамоасига қарши ўтказди. Мусобақада ғолиб 40 000, иккинчи ўрин эгаси 20 000, учинчи ўрин соҳиби 10 000 АҚШ долларига эга бўлади.

## МДҲ КУБОГИГА ҚУРЪА

### ТАШЛАНДИ

"МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари чемпионлари кубоги — 2008" мусобақасига қуръа ташланди. Унга кўра иштирокчилар 4 гуруҳга бўлинди. Мусобақанинг амалдаги чемпиони "Пахтакор" нисбатан кучли — "D" гуруҳига тушди ва унда Беларус, Украина ва Арманистон чемпионлари билан чорак финал йўлланмаси учун кураш олиб бордиган бўлди.



**"А" ГУРУҲИ:** Россия, Туркменистон, Молдова, Эстония;  
**"В" ГУРУҲИ:** Озарбайжон, Қозоғистон, Литва, Тожикистон;

**"С" ГУРУҲИ:** Латвия, Грузия, Сербия, Қирғизистон;  
**"D" ГУРУҲИ:** Ўзбекистон, Беларус, Украина, Арманистон.

Мусобақа 19-27 январ кунлари Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ташкиллаштирилади.

## ЖЧ-2014 БРАЗИЛИЯДА

### ЎТКАЗИЛАДИ

Мазкур ҳафтада Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бўлиб ўтган ФИФА ижроқўмида 2014 йилги Жаҳон чемпионати мезбонлик қиладиган мамлакат номи эълон қилинди. Мундиалга мезбонлик қилиш ҳуқуқи беш қарра жаҳон чемпиони Бразилияга насиб этди.

Бразилия аввал ҳам (1950 йилда) бир маротаба Жаҳон чемпионати мезбонлик қилган.

### Ўтганларнинг охираги оёб бўлсин

"Қорақалпоқ Телеком" филиали Тўрткўл тумани телекоммуникациялар боғламаси жамоаси боғлама мутахассиси

**Аматжон ХУДАЯРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

## ХОТИРАНГИЗ ЎЧМАЙДИ, УСТОЗ!


Шафқатсиз ўлим ажойиб инсон, моҳир алоқачи, меҳрибон устоз Алижон Абдуғаниевни орамиздан олиб кетди.

У 1929 йилнинг 15 июн куни Қўқон шаҳрида туғилди. Меҳнат фаолиятини 13 ёшида — Қўқон шаҳар радио алоқа боғламасида аккумуляторчиликдан бошлаган. 1969 йилда Тошкент алоқа политехникумида ўқишни тамомлаган, узоқ йиллар ЛАЗ муҳандиси вазифасида ишлади. 1992 йилдан Қўқон шаҳар телекоммуникациялар боғламасида муҳандис вазифасида ишлаётган эди.

Алижон Абдуғаниев ўз касбига садоқати, хизмат мажбуриятларига виждонан ёндашиши, бой тажрибаси билан доимо ўрناق кўрсатиб яшади. У доно устоз-мураббий сифатида ўнлаб ёшларни етук, зукко мутахассислар қилиб етиштирди. Ҳозирги кунда шогирдлари турли раҳбарлик лавозимларида соҳа ривожига муносиб улуш қўшмоқдалар. Унинг фидокорона меҳнатлари қатор орден ва медаллар билан тақдирланган. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг, "Фаргона Телеком" филиали, виллоят ҳокимлигининг "Фахрий ёрлик"ларига сазовор бўлган.

Алижон Абдуғаниевнинг порлоқ хотираси фарзандлари, яқинлари, шогирдлари хотирасидан ўчмайди.

"Фаргона Телеком" филиали жамоаси



# Xabar

### МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КҮЧИМОВ

### ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Бахтиёр КУБЕЕВ  
Шомансур ОБИДХҲАЕВ  
Миродил САНГИЛОВ  
Шухрат СОДИҚОВ  
Лутфилло ТУРСУНОВ  
(масъул котиб)  
Асаджон ХҲҲАЕВ  
Рустам ҚОСИМОВ  
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета  
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,  
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.  
Тел.: 133-36-48; 136-35-29.  
Факс: 136-36-42.  
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятта келган қўлёзма ва суратлар эга қарига қайтариқмайди.

Муаллифларнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланishi мумкин.

Наширимиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — ❊  
Реклама матнларининг тўғрилиги таҳририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида chop этилди.  
Мавзил: Тошкент шаҳри,  
"Булок Турон" кўчаси, 41-уй.

1053-С сонли буюртма.  
Офсет усулида босилди.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми  
4 босма табақ.  
Алади: 7217 нуска.

Газета таҳририят компютер базасида терилди ва саҳифаланди.  
Дизайнер: Аслиддин БҲРИЕВ.  
Матн терувчи: Дилфуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкоримиз:  
UZINFOCOM маркаси.

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

## MUTOLAA

Бир савдогар ўғлини энг катта донишманднинг хузурига бахтнинг калити — сирини билиб келиш учун жўнатибди. Йигит саҳрода қирқ кун йўл юрибди ва ниҳоят, улкан тоғнинг тепасида ҳаддан зиёд мухташам бир қасрни кўрибди. У қидирган Донишманд шу қасрда яшар экан.

Кутганига зид ўлароқ қаср авлиё одамнинг хилват гўшасига ўхшамасди. Унинг ичи одамга тўла эди: савдогарлар молларини мақтаб ҳар томон югуришар, бурчак-бурчакларда одамлар тўп-тўп бўлиб гурунглашар, созандаларнинг кичик бир дастаси қандайдир нафис куйни ижро этар, залнинг ўртасида эса каттақон стол, унинг устига дастурхон тузалган, дастурхон эса бу юртнинг энг ноёб ва тансиқ таомлари, бағоят хуштаъм ноз-неъматларига тўла эди.

Донишманд шомасдан меҳмонлар билан бирма-бир кўришиб чиқди. Йигит навбатга келишини икки соатча кутиб қолди.

Ниҳоят, Донишманд йигитнинг нима мақсадда келганини билди, лекин ҳозир унга бахтнинг калити — сирини нимада эканини тушунтириб беришга вақти йўқ эканини айтди. Донишманд йигитга чиқиб қасрни томоша қилишни ва икки соатлардан кейин бу ерга — залга қайтиб келишни буюрди.

“Сендан яна бир илтимосим бор, — деди у йигитга ичига икки томчи ёғ солинган чойқошиқни узатиб. — Бу қошиқни ўзинг билан олиб юр, фақат эҳтиёт бўл, ичидаги ёғи тўқилиб кетмасин”.

Йигит қошиқдан кўзини узмаган ҳолда қасрни айланди, унинг зиналаридан тепага кўтарилди, пастга тушди ва, ниҳоят, икки соат ўтган, Донишманднинг рўпарасида яна намоён бўлди.

“Хўш, қалай, — деб сўз қотди Донишманд. — Кошондаги форс гиламлари сенга

манзур бўлди? Бениҳоя миришкор боғбонлар ўн йилдан бери кўзининг оқу қорасидек авайлаб парвариш қилаётган боғдаги гуллар ва дарахтлар ёқдимми? Кутубхонадаги қадимий китоблар ва нодир кўлёмаларчи?”

Хижолатдан қизариб

ди, гуллар жозибасидан ва моҳирлик билан жойлаштирилган ҳайкаллар-у расмлардан баҳра олибди. Донишманднинг хузурига қайтиб келиб, кўрган нарсаларининг ҳаммасини бирма-бир санаб берибди.

“Мен сенга қошиқчада олиб бориб, тўқмай қайтариб



(Ривоят)

кетган йигит буларнинг ҳеч қайсисини кўрмаганини тан олди, негаки, унинг бутун диққат-эътибори Донишманд унга ишониб топширган икки томчи ёғда бўлган экан.

“Бор, орқанга қайт, менинг уйимдаги ҳамма мўъжизаларни кўриб кел, — дебди Донишманд. — Одам қаерда ва қандай яшашини билмай туриб, унга ишониб бўлмайди”.

Кўлида қошиқча билан йигит яна заллар ва йўлақлар бўйлаб айлана бошлабди. Бу гал у ўзини анча эркин ҳис қилибди ва хоналарни безаб турган ҳамма ноёб ва ғаройиб нарсаларни кўрибди. У боғларни ва қаср теварагидаги тоғларни томоша қилиб-

олиб кел, деб берган ёғ қани?” — деб сўрабди Донишманд.

Шу чоқ йигит қараса-ки, ёғ тўқилиб кетган экан.

“Сенга беришим мумкин бўлган бирдан-бир маслаҳатим ҳам шу, — дебди донолар доноси. — Бахтнинг калити — сирини ана шунда: бу дунёни безаб турган, унга жозоба, ажиблик ато этиб турган нимаки бўлса, ҳаммасини кўра билмоқ керак ва айни чоғда ўша чойқошиқдаги икки томчи ёғни ҳам эинҳор-базинҳор унутмаслик зарур”.

Озод ШАРАФИДДИНОВ таржимаси

## FILATELISTLAR BURCHAGI

## 2001 ЙИЛДА ЧИҚАРИЛГАН ПОЧТА МАРКАЛАРИ

396, 397. “Мустақиллик майдонида байрам шодийналари” купонли почта маркалари. Д.СОРОКИН дизайни.

Маркаларда Мустақиллик майдонида байрам куниндаги шодийналар акс эттирилган. Марка бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозда офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.



396. “Мустақиллик байрам шодийналари” почта маркаси.

397. “Мустақиллик шодийналари Мустақиллик майдонида” почта маркаси.

Маркалар горизонтал жойлашган 2 марка ва 1 купондан иборат занжир кўринишида босилган. Варақда 4 марка, 2 купон бор.



398. “Наврўзи нишонлаш” купонли почта маркаси.

З.СЕЙФУЛЛАЕВА дизайни. Ф.КҲУРБОНБОВЕВ фотоси.

“Наврўз” қадимдан Ўзбекистонда халқ байрами — Янги йилнинг бошланиши сифатида байрам қилинади. Маркада Ўзбекистон миллий боғида Наврўзи нишонлаш тантаналари тасвирланган.

Марка бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозда офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха. Варақда 2 марка, 2 купон бор.

399-401. “Театр” купонли почта маркалари туркуми. Д.СОРОКИН дизайни.

Қадимда саҳна кўриниши унсурлари миллий маросимларда, удуумларда, халқ ўйинлари ва мавсумий байрамларда учраган. Театрнинг комедия-сатира унсурлари асрлар давомида халқ гоғларини ифодаловчи масхарабоз ва қизиқчилар чиқишларида ўз аксини топган. XX аср бошларида Европа намунасидаги ўзбек театрини яратиш ҳаракатлари бошланди. Биринчи театр ўзбек драматурги Ҳамза Ҳакимзода Нивёзий томонидан Фарғонада ташкил этилди. Кейинроқ Самарқандда, Қўқонда, Тошкентда, Бухорода театрлар тузилди. Ҳозирги кунда нафақат Тошкентда, балки барча вилоятлар шаҳарларида драма ёки мусикий-драма театрлари бор.

Тошкентда драма, мусикий-драма театрдан ташқари Алишер Навоий номидаги давлат академик катта театри, опера театри ҳамда концерт заллари ишлаб турибди. Почта маркаларида миллий драма театрлари саҳна асарларидан кўринишлар тасвирланган.

Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозда офсет усулида босилган. Марка ўлчами 42x30 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.



399. “Улдинг, азия бўлдинг” почта маркаси.

Тошкент шаҳридаги Миллий академик драма театри саҳна асаридан кўриниш тасвирланган.

Азиз муштарийлар!  
“Xabar” газетасига  
2008 йил учун обуна  
давом этмоқда.



Тахририятимиз бу йил ҳам энг кўп обуна уюштирган қорхона ва ташкилотлар ҳамда обуна билан шугулланадиган махсус ходим (агент)лар учун совға ва пул мукофотларини ажратган. “Матбуот тарқатувчи” АКдан олинган маълумотга кўра ҳозирча Наманган вилоятида “Xabar”га энг кўп обуна уюштирилмоқда. Иккинчи ўринда қашқадарёлик алоқачилар боришмоқда.

СИЗЛАР ҲАМ ЎЗ НАШРИНГИЗГА ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ. ЗЕРО, ВАҚТ ГАНИМАТ!

НАШР КЎРСАТКИЧИ — 228.

### Мабрӯқ кай уз!

“Андижон Телеком” филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари филиал кадрлар бўлими бошляги Шаҳодат ҲОШИМОВАни муборак олтмиш ёшга кириши муносабати билан қутлайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт-саодат тилайди.

“Фарғона Телеком” филиали ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Марғилон шаҳар телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси Ойнахон СУЛТОНОВАни 50 ёши билан чин қалбдан табриқлайди. Унга сиҳат-саломатлик, узок умр, оиласига тинчлик-осойишталик, файзу барақа тилайди.

“Ўзи-Қарши” ҳамда “Қашқадарё Телеком” филиаллари жамоалари меҳнат фахрийси Шоира ИБРОҲИМОВАни таваллуд топган кунини билан муборакбод этади. Унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилайди.